ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ МАЗМУНИ

Шукурулло Мардонов
Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

Умида Закирова
Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада педагогик фанлар, уларнинг замонавийлаштирилган дастурлари имкониятларини бўлажак ўқитувчиларни ўзбек халқи бадиий мероси асосида маънаий-эстетик тарбиялаш жараёнида аниқлаштириш мақсади белгиланган.

Калит сўзлар: маънавийлик, қадриятлар, маънавий-эстетик тарбия, халқ мероси, бадиий мерос.

CONTENT OF SPIRITUAL AND AESTHETIC EDUCATION OF STUDENTS IN THE PROCESS OF STUDY OF PEDAGOGICAL SCIENCES

Shukrullo Mardonov
Professor, Chirchik State Pedagogical Institute

Umida Zakirova
Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article aims to identify the possibilities of pedagogical sciences, their modernized programs in the process of spiritual and aesthetic education of future teachers on the basis of the artistic heritage of the Uzbek people.

Keywords: spirituality, values, spiritual-aesthetic education, folk heritage, artistic heritage.

КИРИШ

Тадқиқотимиз мақсади педагогик фанлар, уларнинг замонавий-лаштирилган дастурлари имкониятларини бўлажак ўқитувчиларни ўзбек халқи бадиий мероси асосида маънаий-эстетик тарбиялаш жараёнида аниқлашдан иборатдир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун тадқиқот қуйидаги

йўналишлар бўйича олиб борилади: педагогик фанлар бўйича амалдаги дастурларни таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро боғлиқлик ва йўналтирилганлигини ўрганиш, умумлаштириш; тадқиқот муаммоси контекстида уларни ўзгартириш (тегишли мавзулар ва саволларни киритиш); бўлажак ўқитувчилар томонидан келгуси ўқув фаолиятида фойдаланишлари мумкин бўлган ҳамда талабалар шахсига таъсир этувчи юқори маънавий-эстетик тарбиявий потенциалга эга аждодларимизнинг тарихий-маданий меросидан энг муҳим бадиий қадриятларни ҳисобга олиш; ўзбек халқининг бадиий мероси асосида бўлажак ўқитувчиларини муваффақиятли маънавий-эстетик тарбиялашда педагогик фанлар (уларнинг дастурларини модификациялаш шарти билан) имкониятларини асослашдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик фанлар бўйича қуйидаги дастурлар таҳлил қилинди:

“Педагогика тарихи”

“Педагогика назарияси”

“Педагогик технологиялар”

“Педагогик маҳорат”

Дастурларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан мақсад: бўлажак ўқитувчининг маънавий-эстетик тарбиясига таъсир қилувчи саволларни ўрганиш ва аниқлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик, касбий-шахсий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи маънавий-эстетик тарбия, ўқувчиларнинг маънавий-эстетик тарбиясига эътиборини ошириш орқали педагогик фанлар дастурларини замонавийлаштириш имкониятларини аниқлаш; педагогик фанлар дастурлари мазмунини - маънавий-эстетик мазмундаги миллий ва умуминстоний қадриятлар билан бойитиш.

Педагогик фанлар дастурларининг таркибий қисмларини ўрганиш ва таҳлил қилиш қуйидаги схема бўйича олиб борилади: мақсади, курс мақсади, бўлажак ўқитувчилардан талаб қилинадиган билим, кўникма, малакалар; маърузалар, семинарлар мавзулари; талабалар мустақил ишларининг мазмуни; якуний назорат масалалари; хулосалар; дастурни ўзгартириш имконияти бўйича хулосалар; ўрганилаётган муаммо контекстида дастурларни ўзгартириш бўйича таклифлар (маъруза, семинар, мустақил иш, назорат ва якуний саволларга мақсадли қўшимчалар).

Педагогик фанлар дастурларини модификациялашда ўзаро боғлиқлик-нинг қуйидаги принциплари ҳисобга олинган: умумий педагогик ва аниқ мақсадларни белгилаш; таркибнинг изчиллиги ва доимийлиги, уларнинг

интеграцияси; бир-бирини тўлдириш ва бойитиш; бўлажак ўқитувчиларни шахсий-касбий, маънавий-эстетик ўқитиш ва тарбиялаш.

“Педагогика тарихи” дастурини синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида [1] – “Педагогик фанлар бўйича дастурлар: тадқиқот контекстида таркибий қисмларни таҳлил қилиш” бўйича хулосалар чиқарилди: ўқувчиларни тарбиялаш масалалари, шу жумладан тарихий жиҳатдан, қўйилган; таълим миллий тарбияга қаратилган; таълимнинг устувор мазмуни аждодларимизнинг маънавий меросини илгари суради (Республика Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари ва нутқларида тегишли қоидалар нуқтаи назаридан); таълимда ёзма ёдгорликларидан фойдаланиш-нинг аҳамияти ва зарурияти, халқ педагогикаси - халқ оғзаки ижоди, Уйғониш даври Шарқ фалсафаси ва устозларининг, буюк мутафаккирлар тарбияси, ушбу даврнинг адабий-бадиий мероси тўғрисидаги педагогик ғоялари таъкидланган.

Бироқ, маънавий-эстетик тарбия, шу жумладан халқнинг потенциал эстетик-бадиий мероси, педагогик тарихнависликда акс этмаган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги маъруза мавзулари таклиф этилади: “Ёш авлод тарбиясида аждодларимизнинг маънавий-эстетик мероси”, “Ёзма ёдгорликларнинг маънавий-эстетик салоҳияти”, “Ўзбек халқ оғзаки ижодининг маънавий эстетикаси”, “Уйғониш давридаги Шарқ буюк мутафаккирлари маънавий-эстетик тарбия тўғрисида”, “Адабиётнинг маънавий-эстетик салоҳияти”, “Шарқ Уйғониш даври адабий меросининг маънавий-эстетик салоҳияти".

Семинар мавзуларига қуйидагилар киритилди: “Ш.М.Мирзиёев маънавият, ёшларнинг маънавий тарбияси тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” замонавий авлод шахсини маънавий тарбиялаш тўғрисида”, “Аждодларимизнинг бадиий мероси тарихнавислиги, унинг маънавий-эстетик салоҳияти”, “Бадиий мероснинг абадий қадриятлари намуналари - ўзбек халқининг эстетик-маънавий мазмуни”.

Якуний-назорат саволларга қуйидагилар киради: таълимнинг ҳозирги босқичида талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг долзарблиги, миллий-бадиий мероснинг юксак маънавий-эстетик салоҳиятга эга замонавий авлодни миллий-бадиий қадриятлар асосида маънавий-эстетик тарбиялаш-нинг устуворлиги.

“Педагогика назарияси” дастурини атрофлича ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида [1] – “Педагогик фанлар бўйича дастурлар: тадқиқот муаммоси контекстида таҳлил қилиш” - хулосалар чиқарилди: талабалар таълим асосларини ўрганадилар: таълим, эстетик тарбия жараёнининг мақсади,

вазифалари, мазмуни ва моҳияти; кўриб чиқиш: Ш.М.Мирзиёев асарлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги таълим муаммолари; Ўқувчининг шахси - таълим объекти ва субъекти сифатида; Дарснинг тарбиявий салоҳияти; Мураббийнинг тарбиявий ишлари; Таълим усуллари; “Шахсни ривожлантириш, тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш”, “Тарбиянинг мақсад ва вазифалари”, “Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни”, “Таълим тамойиллари”, “Таълимнинг умумий усуллари”, “Эстетик тарбия” мавзулари бўйича мустақил иш олиб борилади; коллоквиумга тайёргарлик кўриш, шу жумладан: “Талабаларнинг ривожланиши ва таълимининг ўзаро алоқаси”, “Таълим мақсадлари. Таълим мақсадларининг хилма-хиллиги”, “Баркамол ривожланган, ўз-ўзини англайдиган эркин шахсни шакллантириш замонавий демократик жамиятда таълимнинг мақсади”, “Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, ибн Сино, А.Навоий, А.Авлони) шахсни баркамол ривожлантиришда таълимнинг мақсади”, “Таълимнинг вазифалари ва мазмуни”, “Таълимнинг хорижий концепцияларининг асосий ғоялари”.

Талабалар ёзма ишларни бажарадилар: “Тарбия жараёнининг мазмуни ва моҳияти”, “Тарбиялаш усуллари тушунчаси”, “Онгни шакллантириш усуллари”, “Эстетик тарбия”. Якуний назорат муайян таълим хусусиятига эга бўлган саволларни ўз ичига олади: “Ўқувчилар ривожланиши ва таълимининг ўзаро боғлиқлиги”, “Ўқув мақсадлари. Таълим мақсадларининг хилма-хиллиги”, “Баркамол ривожланган шахсни шакллантириш”, “Шарқ мутафаккирлари шахсни баркамол ривожлантиришда таълимнинг мақсади”, “Хорижий тарбия концепцияларининг асосий ғоялари, вазифалари”, “Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни”, “Таълим усуллари тушунчаси”, “Онгни шакллантириш усуллари”, “Тафаккур, илмий дунёқараш ва миллий мафкурани шакллантириш ўқув жараёнининг энг муҳим мақсади”, “Эстетик тарбия”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқорида айтилганлардан хулоса келиб чиқадики: талабалар методоло-гик, назарий ва педагогик, амалий, касбий йўналтирилганлик даражасида билим асосларини эгаллайдилар. Бироқ, талабалар маънавий-эстетик тарбиянинг педагогик асослари тўғрисида билимга эга эмаслар.

“Педагогика назарияси” курсини модификациялаш бўйича таклифлар: бўлажак ўқитувчиларни зарурий атамалар, замонавий педагогик фанлар асосларини миллий маданий-бадиий қадриятлар асосида билишларини таъминлаш; ўқувчиларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида маънавий-эстетик тарбиялаш бўйича зарур билим ва кўникмалар

билан таъминлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг етарлича педагогик тафаккурлари учун асос яратиш; бўлажак ўқитувчиларни маънавий-эстетик тарбиялаш амалиёти билан таништириш:

замонавий педагогик технологиялар билан;

энг самарали шакл, усул ва воситалар билан;

халқ педагогикаси, Шарқ мутафаккирларининг педагогик мероси билан;

ўзбек халқининг тарихий-маданий (бадиий), юқори эстетик салоҳияти ва бадиий аҳамияти (айниқса дарсдан ташқари машғулотларда талабалар билан маънавий-эстетик тарбиявий ишларда) мероси билан.

Қуйидаги маърузалар мавзулари таклиф этилади: “Замонавий ўқитувчининг маънавий-эстетик қиёфаси”, “Талабаларни маънавий-эстетик тарбияси: глоссарий, мақсад, вазифалар, мезонлар; эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисми”, “Талабаларни бадиий мерос (маънавий-эстетик тарбия) ҳақида маънавий-эстетик тарбияси”, “Миллий ва бадиий қадриятлар тўғрисида ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг тамойиллари, омиллари ва шартлари”, “Маънавиятнинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари - ўқувчиларни миллий бадиий мерос бўйича эстетик тарбияси”, “Мактаб ўқувчиларида маънавий-эстетик онгни “эстетик бой дунёқараш асоси”да шакллантириш”.

Семинар дарслари мавзулари: “Ўқитувчига қўйиладиган талаблар (ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиялаш)”, “Бўлажак ўқитувчини маънавий-эстетик тарбиялаш ва ўзини ўзи такомиллаштириш”, “Талабаларни миллий ва бадиий қадриятлар асосида маънавий-эстетик тарбиялаш жараёни”.

Талабаларнинг мустақил ишилари маъруза ва семинар мавзуларини қамраб олади.

Якуний назорат саволларига қуйидагилар киритилади: Маънавий таълим бўйича давлат таълим сиёсатининг асосий қоидалари. Маънавий-эстетик тарбиянинг моҳияти. Маънавий-эстетик тарбиянинг педагогик асослари. Талабалар маънавий-эстетик тарбиянинг қайси миллий ва бадиий қадриятларни ёдда тутиш керак? Ўқувчиларининг (ўзбек халқининг) бадиий мероси асосида маънавий-эстетик тарбиялашнинг асосий босқичлари.

“Педагогик технологиялар” дастурини синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида [1] “Педагогик фанлар бўйича дастурлар: тадқиқот муаммолари контекстида таҳлил қилиш” - хулосалар чиқарилди:

Бўлажак ўқитувчилар замонавий педагогик технологияларнинг асослари билан қуролланиб, зарур кўникма ва малакаларни эгаллайдилар ва ўзларининг тегишли билим даражаларини оширадилар. Улар ўқув жараёни технологияси,

шу жумладан шахсга йўналтирилган таълим ҳақидаги замонавий ғояларни ўзлаштириадилар. Талабалар дарсларни моделлаштириш ва режалаштириш, синфдан ташқари машғулотлар, турли воситалар ва усулларни танлашга ижодий ёндашишни ўрганадилар. Таълим олувчилар ўқув жараёнини моделлаштирадилар. Улар ўзини ўзи ўқитишни режалаштирадилар.

Маъруза мавзуларига педагогик технологияларнинг методологияси, илмий, назарий ва амалий асослари ёритилган мавзулар киритилади. Семинар мавзусида шахсга йўналтирилган таълим ва турли хил педагогик технологиялар конкретлаштирилади.

Талабаларнинг мустақил ишларининг таркиби маъруза ва семинар мавзуларини ўз ичига олади. Назорат ва якуний саволларида тарбия мавзуси (“тарбия концепцияси”), шунингдек ривожлантирувчи таълим мазмунининг шахс ривожидаги гуманитар фанларни ўқитиш технологиясининг роли ўрганиб чиқилади.

Демак, бўлажак ўқитувчилар педагогик технологияларнинг методологияси ва асосларини синчковлик билан ўрганадилар, улардан келажакдаги ўқув амалиётида фойдаланишга тайёрланадилар. Бироқ, бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик тарбияси бўйича ўзига хос фан технологиялари ўзлаштирилмай қолади, шу билан ўқувчилар шахси - бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик соҳасига таъсир этувчи маънавий-маърифий омилини заифлаштиради.

“Педагогик технологиялар” дастурини модификациялаш бўйича таклифлар: бўлажак ўқитувчиларни маънавий-эстетик тарбиялаш жараёнини миллий-бадиий қадриятларга мослаштирадиган педагогик технологиялар бўйича билимлар билан қуроллантириш; уларни ижодий ва услубий, педагогик ва технологик жиҳатдан баркамол, инновацион тарзда тарбиялаш, аждодларимизнинг бой тарихий-маданий меросидан фойдаланган ҳолда ушбу жараённи шахсга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш; бўлажак ўқитувчиларни техник ва коммуникатив воситаларни технологик жиҳатдан фаоллаштириш ва шу билан бирга уларнинг маънавий-эстетик даражасини ошириш; бўлажак ўқитувчиларни маънавий-эстетик соҳада касбий-шахсий ўзини ўзи тарбиялаш ва ўзини такомиллаштириш технологиясига йўналтириш.

Қуйидаги маърузалар таклиф қилинади: “Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялаш концепцияси”, “Талабаларни маънавий-эстетик тарбияси: жараён технологияси”, “Миллий-бадиий қадриятлар асосида талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашга тизимли ва технологик ёндашиш”, “Маънавий-эстетик тарбиянинг таркибий ва мазмунли асослари”, “Миллий-бадиий мерос орқали

маънавий-эстетик таълим технологияси асосида ўқувчиларнинг шахсини ривожлантириш", "Маънавий-эстетик тарбия жараёнларини чуқурлаштириш технологияси".

Семинар дарслари мавзулари: "Талабаларни миллий-бадиий қадриятлар бўйича маънавий-эстетик тарбиялаш модели", "Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг педагогик технологиялари: лойиҳалаш, режалаштириш", "Ўқувчилар билан ўзбек халқининг бадиий мероси ҳақида суҳбатлар қуриш", "Талабаларни миллий бадиий қадриятлар билан таништириш мақсадида синфдан ташқари дарсларни моделлаштириш", "Абадий бадиий қадриятлар ҳақида ўқув маърузасини режалаштириш", "Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг интерфаол технологиялари".

Талабаларнинг мустақил ишлари таркиби қуйидаги саволларни ўз ичига олади: Талабалар маънавий-эстетик тарбиясига технологик ёндашишнинг концептуал қоидалари. Талабаларнинг маънавий-эстетик тарбияси бўйича педагогик технологияларининг аспектлари.

Якуний назорат саволлари: бўлажак ўқитувчиларнинг аждодлари-мизнинг тарихий-маданий (бадиий) мероси тўғрисидаги тушунчаларининг асосий позициялари; талабаларнинг миллий-бадиий қадриятларни ўрганишдаги асосий технологик таркибий қисмлари; ота-боболаримизнинг бадиий қадриятлари бўйича маънавий-эстетик тарбиялаш технологиялари асосида талабаларнинг шахсини ривожланиш мазмуни.

"Педагогик маҳорат" дастурини мақсадли ўрганишда [1] "Педагогик фанлар бўйича дастурлар: тадқиқот муаммоси матнида таълил қилиш" - хулосалар чиқарилди; бўлажак ўқитувчилар керакли билимларни олишади, педагогик маҳорат бўйича керакли кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Ўқув жараёнининг қонунлари ва тамойиллари билан танишишади. Миллий истиқлол ғоясидан фойдаланган ҳолда тарбиявий ишларга тайёргарлик кўрадилар. Педагогик фаолиятида ўқув материалини танлаш, режалаштириш, ундан фойдаланишда креативликни ўрганадилар, ўқув жараёнида замонавий технологиялардан ижодий фойдаланишни ўрганадилар. Улар педагогик тайёргарлигининг ижодий даражасини кўтариб, ўз-ўзини тарбиялашга эҳтиёж сезадилар.

Шундай қилиб, "Педагогик маҳорат" курси педагогик кадрлар мавқеини оширади, шунингдек асосий йўналиш бўлажак ўқитувчилар ўртасида педагогик маданиятни - алоқа, визуал алоқанинг ахборот мазмуни, оғзаки ва новербал алоқа - креатив даражада шакллантириш ҳисобланади. Аммо бўлажак ўқитувчиларнинг аниқ маънавий-эстетик дастури, уларнинг шахсини ижодий

маънавий-эстетик ривожлантиришга тайёрлаш бўйича шу пайтга қадар ҳеч қандай материал йўқ. Маънавий-эстетик тарбияда ижодий ёндашув ва педагогик маҳоратга таъсир кўрсатилмайди, қуйидагилар бундан мустасно: “ўқувчиларни ўқитиш ва маънавий-маорифий таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларини амалда қўллаш” [2, 18].

Маърузалар, семинарлар, мустақил ишлар, тест ва назорат-якуний саволларда талабаларни маънавий-эстетик билимли қилиш, уларни ўқитиш бўйича, шу жумладан ижодий даражадаги, мавзулар қўйилмайди. Бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳорат тўғрисида билимга эга эмаслар ва шунинг учун ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиялаш жараёнида тегишли касбий-шахсий ривожланишни таъминлай олмайдилар. Бироқ, маънавий-эстетик тарбиялаш жараёнида педагогик ижод муаммоларини ўрганиш мумкин, чунки дастурнинг мазмуни назарий ва амалий билимлардан, замонавий технологиялардан, шахсий имкониятлардан (ўқитувчи) ва юқори даражадаги ижодий ёндашувдан, “юқори креативлик” [2, 17] дан фойдаланишга имкон беради. Шу сабабли, талабаларнинг маънавий-эстетик тарбияси бўйича билим олиш муаммоларини режалаштириш ва ҳал қилиш, шу билан бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик қиёфасини такомиллаштириш учун имкониятлар очиқдир.

Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш учун маънавий-эстетик тарбияни ташкил этишнинг асосий шаклларини, уларнинг технологик томонини (жараённи яратиш), миллий маданиятда ноанъанавий усуллардан (тренинглар) фойдаланишни билишлари ва амалда қўллашлари керак.

Маъруза мавзуларига қуйидагилар киритилди: “Бадиий қадриятлар бўйича талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашга ижодий ёндашиш”, “Талабаларни бадиий мерос (ўзбек халқи) бўйича маънавий-эстетик тарбиялашда инновацион ёндашув”, “Талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашда моҳирлик (миллий ва бадиий қадриятлар бўйича) санъатини ошириш”.

Семинар дарслари мавзулари: “Ўқувчиларни миллий-бадиий мерос бўйича маънавий-эстетик тарбиясида педагогик креативликнинг намоён бўлиши”, “Ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиясида ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси - миллий-бадиий қадриятлардан ижодий фойдаланиш”.

Мустақил ишлар мавзулари: “Ўқитувчининг маънавий-маърифий фаолияти педагогик маҳоратининг намоён бўлиши соҳаси сифатида”, “Бўлажак ўқитувчининг маънавий-эстетик маданияти педагогик маҳоратини ошириш омили сифатида”.

Якуний назорат қуйидаги саволларни ўз ичига олади: ўқитувчининг маънавий-эстетик тарбиявий фаолиятидаги педагогик техника ва маҳорат. Шарқ мутафаккирлари тарбия санъати тўғрисида. Талабанинг маънавий-эстетик тарбиясида ўқитувчининг креативлиги. Маънавий-эстетик тарбиялашда ўқитувчининг талабалар билан мулоқотига ижодий ёндашуви. Талабаларни бадиий мерос бўйича маънавий-эстетик тарбиялаш жараёнида ўқитувчининг маҳорати.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-эстетик тарбияси мазмуни педагогика фанлари дастурларини модификациялаш асосисда қурилиб, курслар маъруза ва семинар мавзулари, мустақил иш ва якуний назорат саволларини киритиш орқали педагогик фанлар дастурларини ўзгартириш, такомиллаштиришга асосланган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Педагогика тарихи” курси қуйидагиларни ўз ичига олади: ота-боболаримизнинг бой тарихий-маданий (бадиий) меросини, айниқса Шарқ Уйғониш давридан олинган маънавий-эстетик таркибдаги тарихий-педагогик мавзуларни; ўзбек халқининг бадиий тарихнавислик меросини; халқимизнинг бадиий хазинасидан олинган “абадий қадриятлар” намуналарини - ушбу материалда бўлажак ўқитувчиларда маънавий-эстетик, миллий дунёқарашга мос “тушунча”лар, миллий маънавий-эстетик тафаккурни уйғотиш, миллий ғурур - инсоннинг маънавий-эстетик қиёфасининг муҳим таркибий қисмларини қамраб олади. Шундай қилиб, “Педагогика назарияси” курси маънавий-эстетик тарбия моҳиятини, замонавий ўқитувчининг эстетик қиёфаси ва унга қўйиладиган талабларни очиб берадиган мавзуларни ўз ичига олади; бўлажак ўқитувчининг маънавий ва маърифий такомиллашуви; талабаларнинг тегишли педагогик асослардаги маънавий-эстетик тарбияси - аждодларимизнинг бадиий меросидан олинган миллий-эстетик қадриятлар орқали – “Педагогика назарияси” курси мазмунининг “конструкцияси” (тузилиши) бўлажак ўқитувчиларнинг ҳам шахсий, ҳам касбий педагогик йўналишда маънавий-эстетик тарбияси интеграциялашувига эришилади. Шундай қилиб, “Педагогик технологиялар” фани бадиий мерос орқали маънавий-эстетик тарбиянинг концептуал жиҳатларини ҳисобга оладиган мавзуларни киритади, бу нафақат технологик ва педагогик билимларни, балки билим, кўникма, малака ва фаол қобилиятларни, тарихни ўрганиш ва педагогика назариясини ўрганиш жараёнларида фаоллаштиришни талаб қилади. Демак, бўлажак ўқитувчилар умумий назарий билимларни, маънавий-эстетик қадриятлар, назарий ва педагогик

технологияларни талабалар учун технологик-педагогик “конструкциялар”га бирлаштирадилар, бу бўлажак ўқитувчиларнинг ҳам шахсий, ҳам касбий маънавий-эстетик тарбияларида муҳим тизим яратувчи омил ҳисобланади. Шундай қилиб, “Педагогик маҳорат” курсига шундай мавзулар киритиладики, улар маънавий-эстетик тарбиянинг ижодий омилларини (хусусан, креативликни), шу жумладан, “Педагогика тарихи”, “Педагогика назарияси”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогик технологиялар” курсларини ўрганиш жараёнида (маънавий-эстетик нуқтаи назардан) ўзлаштирилган маънавий-эстетик қадриятларнинг (инновациялар, маҳорат, педагогик санъат) - билим, кўникма, малака ва қобилиятларга асосланганлигини очиб беради.

REFERENCES

1. Психологическая подготовка к педагогической деятельности: Учебное пособие. – М.: Академия, 2002. – 144 с.
2. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.
3. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
4. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286.
5. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
6. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
7. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286
8. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
9. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и переспективы интеграционого обучения. Журнал научных и прикладных исследований, 1, 54- 55. 10.
10. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. Science and World, 1(77), 32-33.

11. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. Test Engineering & Management, 83, 693-702.
12. Халилова, М. А., & Мухитдинова, М. (2020). Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари. *Халқ таълими*, *3*(0056), 4.
13. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 7021-7030.
14. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, *8*(7).
15. Эшманова, Н. Н., & Матьякубова, М. Б. (2019). Тарбиячиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш. *Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими:муаммолар,ёндашувлар ва истиқболлар*, *1*, 33-34.
16. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2020). «Великий шёлковый путь»: взаимодействие культур запада и востока в контексте проблемы модернизации музыкального образования в узбекистане. *Science and Education*, *1*(4).
17. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. *Наука и общество*, *1*(65), 33-37.
18. Ражапова, И. Т. (2019). Методика обучения видам русского глаголав. *Илм сарчашмалари*.
19. Рустамова, С. Э. (2020). Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 360-368.
20. Ўтаев, А. Й. (2019). Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шаклантиришнинг кластер тизими. *"Таълимдаги инновациялар ва ислоҳотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами*, *2*, 50-53.
21. Абдусаматова, Ш. С., & Бурханова, М. Б. (2020). Кўп фарзандли ота-оналарининг оиладаги муносабатларининг хусусиятлари. *Oriental Art and Culture*, (4).
22. Шакирова, Р. Р. (2019). Отличительные особенности рассказа от других эпических жанров. *Polish science journal*, 169-172.